

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 86 (6828)  
1997 йил, 5 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

1 - чорак тугади

## ЎҚИТУВЧИ БЎЛДИМ

— Илҳомжон ака, мактабга кетадиган вақт буляпти, — деди 1-синфда ўқийдиган укам Дилшоджон.

— Мактабга бормайсан, узим ўқитувчи буламан, — дедим ҳазиллашиб.

У мактабни, уртоқларини, айниқса ўқитувчи Ноила опасини жуда яхши кўради. Шунинг учун бўлса керак, роса йиғлади. Таътил бошланганини нега ўзи билмайди, ўқитувчиси айтмадимми, дейсизми? Тугри, Дилшоджонни икки ҳафтадан бери мазаси йўқ эди. Энди тўзалганда таътил бошланиб қолди. Шу сабаб ўқитувчи жуда соғинганди.

Мана шу таътил вақтида укам билан «Мактаб-мактаб» уйинини бошлаб юбордик. Мен унга чиройли ёзишни, санашни ургатаман. Натижада у синфдошларидан орқада қолиб кетмайдиган, мен ҳам бекор юрмайдиган бўлдим. Мактаб бошланганида ўқитувчим «Илҳомжон, сен таътилда нима иш билан шуғулландинг?» — деб сурасалар, «Укамга ўқитувчилик қилдим» дейман.

**Илҳомжон  
ОТАМУҲАММЕДОВ,  
Тошкент шаҳар Акмал  
Икромов туманидаги  
197-мактабнинг 6 - «В»  
синф ўқувчиси**



Сочимни қаранг, чиройли-а?

ОБУНА - 98

## ... СУҲБАТ КЕЛАСИ ЙИЛГА ҚОЛДИРИЛДИ

Юнусободдаги 63-мактаб директори Акрамжон МУҲАММЕДОВга дабдурустдан мактаб муқаддас даргоҳ, лекин баъзи ҳолларда унинг муқаддаслигини унутиб қўётганлар ҳам учраб туради-а? — деб савол бердим.

— Гапингизда жон бор, — дедилар директор. 5 йил муаллимликка ўқиб, 3-4 ой мактабда ишлаб, кейин фаолиятини «бозорларда» давом эттиратганлар бор орамизда. Ҳар соҳада учраётган айрим қийинчиликлар аста-секин бартараф бўлмоқда. Болаларга зиё улашувчилар сараланаётган кунларда бундай саволга урин қолмайди.

— Узингиз раҳбарлик қилаётган мактаб мураббийлари ҳақида нима дея оласиз?

— Мактабда таълим олаётган 1076 ўқувчига 57 фан ўқитувчилари сабоқ беради. Уқувхоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигиданми, фан тугараклари мунтазам ишлаганиданми, мураббийларимиз мактабга илҳом билан келишади. Ва ижодкорликларини намён этишади. Мактабимизнинг «Сарбоз» доирачилар тугараги туман ва шаҳар курик-танловининг ғолиби бўлди. Миллий нақш тугарагини бошқараётган олий тоифали ўқитувчи Комилжон Мансуров, темирчилик сирларини ўқувчиларга ургатаётган Бахтиёр Раҳимжонов, хунар тугарагининг тикувчилари Марҳабо Шарипова, Василя Жалоловаларнинг моҳирона санъатидан мактаб жамоаси қувонади. Спорт тугараклари ҳам доимий фаолиятда. Мактабимизда биология—химия ва иқтисод фанлари чуқур ургатилади. Уқувчиларнинг узлаштиришлари ёмон эмас. Инглиз тилида бе-малол мулоқотга киришадиган ўқувчиларимиз билан ҳам фахрлансак арзийди. Фан олимпиадаларида туман, шаҳар, республика ғолиби булган ўқувчи-

ларимиз бор.

«Маънавият ва маърифат» маркази бошқарувчиси — директор уринбосари Мавлуда Орифжонова ва ишчи гуруҳларининг фаолияти кунтилли. Кун кеча шоира Турсуной Солиқова билан утказилган «Хусн туйда — маънавият-чи?» мавзусидаги суҳбат юқори синф ўқувчилари ва ота-оналарни баҳса чорлади. Мактабда «Устоз ва шоғирд» анъанаси давомий. Кекса муаллимлар, устозларимиз Шамсиддин Хусниддинов, Дилбар Валиева, Муборак Шарипова, Муҳарра Абдуллаева, Зулхумор Хусанбоевалар етказган шоғирдлардан 24 нафари шу мактабда ешларга дарс бермоқдалар. Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Мансур Иброҳимов, халқ таълими фидойиси Василя опа Расуловалар ҳам ҳар бир ишда ва тadbирда ешларнинг беминнат маслаҳатчиларидир.

— Акрам ака, узингизга маълумки, айни кунларда мактабларда обуна мавсуми давом этмоқда. Сизнинг ҳурматли муаллимларингиз бу борада жонбозлик қилишса керак-а?

— Утган йили 120 нафар ўқувчимиз уз газеталарига обуна булгандилар. Бу йил кечикмай, ҳаялламай, ҳар бир синф унтадан обунани 15 ноябрга-ча ташкиллаймиз. Ахир, мактабимизда 1076 нафар ўқувчи бор.

— Уқувчиларингиз иқтидори, изланишлари ҳақида келгуси йил газета орқали бафуржа гаплашар эканмиз-да?

— Албатта шундай булади. Бу йил «Тонг юлдузи»ни ўқувчиларим кам ўқигани боис, ўқувчилар ҳақида батафсил суҳбатлашишга уялдим, рост!

Худо хоҳласа, меҳрибон, тажрибали устозларимга суянган ҳолда мактабимиз ўқувчиларидан камиди 40 фойизи уз газетаси «Тонг юлдузи»га ёзилади. Бу газета ҳақиқий суҳбатдош, ҳамширалик ҳамроҳимиз булиб қолади.

**Нилуфар ДАВИДОВА**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ —

### НЕМИС ТИЛИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилиниб, жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги машҳур «Гибир Тонис» нашриёти юртбошимизнинг мазкур китобини немис тилида куп нусхада нашр этди. Асарнинг немис тилида чоп этилиши Германия жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий узгаришлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

### КИШИНЁВ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримов МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Молдова пойтахти Кишинёвда булди. Бу учрашув гарчи у ерда ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаган бўлса-да, ҳамдустлик доирасидаги узаро муносабатларга яна бир қарра ойдинлик киритиш, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама этиш учун имконият яратди.

**ҲАФТАНИНГ  
ЕТТИ КУНИ  
БАРКАМОЛ  
АВЛОД —  
ЎЗБЕКИСТОН  
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ПОЙДЕВОРИ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни узбек, инглиз ва

рус тилида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган китоб чиқарди. Куп нусхада чоп этилган ушбу китобда Президентимизнинг Олий Мажлис IX сессиясида сузлаган нугқи, «Таълим тугри-сида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа ҳужжатлар урин олган.

## ВАЗИРНИНГ ТУҲФАСИ

Иқтидорли ўқувчилар билан олаётган Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейи кутубхонаси янги ва ноёб китоблар билан бойиди. Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев узининг шахсий кутубхонасидан лицей ўқувчиларига мингтага яқин китоб-тақдим этди. Бу китобларнинг ҳар бири нодир қўлланмалар булиб, турли давлатларда ва турли тилларда чоп этилгандир.

**ТАНТИ ТАБИАТ**

Шанба куни Тошкентга Самарқанд шаҳри Сиеб туманидаги 21-мактаб ўқувчилари меҳмон бўлиб келишлари керак эди.

Бир кун олдин, жума куни Синоптик Тоҳир Мухторов об-ҳавонинг кескин узгариб, пойтахтга ёмғир ёгишини ваъда қилган эди. Башорат амалга ошмади. Самарқандлик ўқувчилар нақд туш пайти Амир Темури хибонига етиб келишганида ҳаво очик, боз устига қуёш чарақлаб турган эди. Қуёш Тошкентга меҳмон бўлиб келаятган ва Самарқанд шаҳрининг 21-мактаб ўқувчиларини олқишлаб чиққандек бўлди.

**XXI АСРДА 21-МАКТАБЛАР ДЎСТЛИГИ**

Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳридаги 21-мактаб ўқувчилари Самарқандга ташриф буюришган. Ушанда мазкур икки мактаб дўстлиги хамиртуруши қурилган эди.


— Бу йил Самарқанд шаҳридаги 21-мактабга кунгирок қилиб дўстлик алоқаларини боғлашни таклиф қилган эдик, — дейди директор Маъмура Сирожиддинова. — Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди ва ўқувчиларимиз куз бошида Самарқандга боришди.

Тошкент буйлаб саёҳатга карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган жажжи меҳмонлар — асосан бошланғич синф ўқувчилари Темурийлар тарихи давлат музейи олдида эсдалик учун расмга тушдилар. Музейда ўқувчилар асл тарихимизнинг шонли саҳифалари билан танишиб, хибонда буюк соҳибқирон ҳайкали пойига

гуллар қўйдилар.

**«БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН»**

Юнусобод тумани ҳокимининг маънавият, ижтимоий-сиёсий ва маданий ишлари бўйича уринбосари Вафо Латипов ўқувчиларни «Кунгил очиш боғи» — Дисней Ленд ҳамда йирик халқаро спорт анжуманлари утказиладиган теннис корти билан таништирар экан, Ўзбекистондаги «21-мактаблар дўстлашдилар» клуби ишини ташкил этишга ҳар икки шаҳар туманлари ҳокимиятлари алоҳида аҳамият беришидан мамнун эканлигини яширмади.



— Республикамиз Президентининг ҳар бир чиқишида келажак авлодга озод, обод Ватан қолдириш ва уни тинч, куркам сақлайдиган ёшларни тарбиялаш гоёси туради, — дейди биз билан суҳбатда Вафо Баҳромович. Ўқувчилар бир-бири билан дўстлашиб, кенг миқёсда улкамизнинг этнографик тарихи ҳамда маданий меросини чуқур урганиш, шунингдек, миллат тарихи,

унинг умуминсоний қадриятлари, анъаналарини урганиш борасида мазкур клуб тузилганлигини эътироф этиб, унинг ишига ривож тилади.

**МАКТАБДАГИ УЧРАШУВЛАР**

Ўқувчилар Юнусободдаги Олим Хужаев номли 21-мактабга етиб келганларида қуёш тафти андак пасайган эди. Мактабда тушлик қилиб олинган, ҳар икки томон иштирокида уйин-кулги бошланиб кетди.

Дўстликни, иноқликни олқишловчи шеърлар, лапарлар ижро этилди. Бекорга мактаб Олим Хужаев номига қўйил-

тов учрашув ташкилотчилига миннатдорчилик билдирилган экан, ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда маблағ, вақт топиб болаларни дўстлаштириш ташаббускорлигига тасаннолар ўқиди.

У, шунингдек, Самарқанднинг Сиеб бозори қаршида жойлашган 21-мактаб ҳақида сузлаб берди.

— Яқинда ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайдиган мазкур мактаб довруғли ўқув даргоҳларидан саналади, — деди шу мактаб директори Сайёра Маликова.

га йўналтирилган мазкур мактаб-лицейда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилганлиги меҳмон ўқувчилар қиёфасидан ҳам аён бўлиб турибди.

**КУЗАТУВ**

Томошабоғ — Дисней Ленд ҳамда теннис корти билан танишгач ўқувчилар янги очилган ҳайвонот боғига йўл олишди. Сафар охирига етиб қолаётган, ҳаво тундлашиб, изгирин эса бошлаган эди...

Автобус Самарқандга йўл олганда табиатнинг танглиги тугаб ёмғир томчилай бошлади. Ёмғир самарқандлик дўстларини кузатиб қолган тошкентлик ўқувчиларнинг хайрлашув куз ёшларидек покиза эди...

Юнусободлик ўқувчи Баҳром Мустафоев меҳмонларни кузатаётган узининг «Самарқанд» шеърини ўқиб берди.

**САМАРҚАНД**

*Ватан туйғусидан азиз  
нима бор?  
Онадай муқаддас  
табаррук тупроқ.  
Сайр этиб бағринда она  
Самарқанд,  
Булолдим бу сўзнинг  
шоҳиди мутлоқ.  
Бағринда ғоз турган ҳар  
бир минора  
Юлдузга қўйилган  
нарвондир мисол.  
Табаррук айлабон  
тупроғинг, шаънинг,  
Уғлонларинг жонин  
айлаган нисор.  
Олис тарих каби  
учмайди сира  
Бинолар гиштига  
берилган жило.  
Бутун олам қуриб  
қолмоқдадир лол  
Оллоҳнинг назари  
тушгандир илло,*

**Бахтиёр КАРИМОВ**

**«ТОНГ» ЮЛДУЗИ» ОБУНАСИГА ШОШИЛИНГ, ВАҚТ ҚАРАБ ТУРМАЙДИ!**

*Уғил-қизи ўзбекнинг  
Узи узига бекнинг,  
Эртаси юлдузlidir,  
Тунлари кундузlidir.*

*Узунлик ўқувчингдан,  
Шоир кут, «Тонг  
юлдузи»!  
Нурга тўлсин Сурхоним,  
Қуринг тут, «Тонг  
юлдузи»!*

**Рухсатой ЭШНАЗАРОВА,  
Сурхондарё вилояти  
Узун тумани**



## МУСИЧА

Баъзи сайроқ  
кушлардек  
Купам у сайрамайди.  
Жавраб булар-булмасга,  
Тилини қайрамайди.  
Дон ташласанг бир  
дона  
Қолдирмасдан еб қуяр.  
Ҳамма кушлардек у ҳам  
Мехр-шафқатни суяр.  
Чумчуқ каби

«дик-дик»лаб

Юришни у ёқтирмас.  
Бировлар уясига  
Сира берухсат кирмас.  
Бироз лоқайдлигини  
Олмаганда ҳисобга.  
Киритса арзир уни  
Ҳатто «Қизил китоб»га.

Хуррам РАЙИМ

## ЗҶР

ЁНҒОҚНИНГ  
ШУМ ЁНҒОҚҚА  
ДЕГАНИ

Тан оламан, пишиқсан  
Тошни ҳам ёришинг чин.  
Чунки сенда мағиз йук,  
Чунки ичинг...  
қурғошин.

АВТОБУСГА  
АТАЛГАН ШЕЪР

Қандай тушунсанг,  
тушун,  
Бу гал очик айтаман —  
Уят — ишга кечикиш  
Туртта гилдирак билан.



— Ҳа, Равшан, қаердан келяпсан?

— Духтирдан, тишим оғриганди...

— Энди қалай, оғримаяптими?

— Билмадим, уни духтир олиб қолди.

М. ҚАРШИЕВ

## ТУҒРИ ЖАВОБ

Кунларнинг бирида Алишер Навоий хузурига бир савдогар келиб, ундан уз углига «шоирлик ҳунари»ни ургатишни сурабди.

— Углингиз қандай хунарга қизиқади? — деб сурабди ундан Алишер Навоий.

— Углим мен каби савдогар бўлишни астойдил истаиди, лекин мен унинг шоир бўлишини хоҳлайман.

— Асли савдогарлик хунар эмас-у, аммо углингиз шуни хоҳлар экан, майли ургансин. Шоирлик эса инсон фазилатидир, — дебди Алишер Навоий.

## МУШТУМ



## «ПРИВЕТ»

(пародия)

Салом Сизга, опажоним,

Яхшими ишларингиз?

Бола-чақа омонми,

Купми юмушларингиз?

Тура Норматнинг

«Онамга хат»

шеърдан.

Салом, сизга опажоним,

Саломатми паханам?

Укалар соғ-омонми,

Не қилмоқда маханам?

Опа, сизга қарз гап,

Бораман шанба куни.

Қайтиб келгач, шаҳардан

Оламан уни-буни.

## МЕХМОНИМИЗ

Шу ваз пахан бозорга

Ҳайдасин қуй-қузидан.

Мол авло булибдими,

Мендан — қора кузидан?

Ҳам буёққа обкелишга

Керак турт-беш кило эт.

Карочи, ҳаммасига

— Передайте привет!

Ўткир САИДОВ

БАҲАЙБАТ  
КАПАЛАК

Жанубий Америкада 35 ёшли фермер Билли Кинер уз фермасида ишляётган пайтида беихтиёр осмондан кичик вертолётнинг овозига ўхшаш шов-

қин эшитилди. Юқорига қараса, баҳайбат қушни эслатувчи капалак учаётган экан. У туппончасини олиб чиқиб, капалакка бир неча бор уқ узди. Капалак ерга қулади. Кинер уз ёрдамчиси Жек Мейсон билан капалакни ушлаб олишди. Олимлар иштирокида бу капалак урганиб чиқилди. Бу — дунёдаги энг катта капалак бўлиб, оғирлиги 9 кг, буйи 185 см, қанотларининг узунлиги эса 2 метр экан. Бундай баҳайбат капалакнинг қаердан келиб чиққанлигини аниқлаш мақсадида зудлик билан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Миш-миш

ИККИ МИЯЛИ  
ҚИЗ

Болгариялик психиатр-врач Иван Матеев 8 ёшли Ольга Братскаяни текшириб шу хулосага келди. Ольгага бир вақтнинг узиде икки китобни уқитиб куришди. У қийналмай унг томондаги китобни унг кузи билан, чап томондаги китобни чап кузи билан уқиб чиқди. Сунг қизчага шу китобларга оид саволлар беришди. У барча саволларга қониқарли жавоб қайтарди. «Шунча йиллардан буен бундай ҳодисани илк бор учратишим», — дейди ҳайрат билан врач Матеев.

МУҲТАРАМ КУЛГИСЕВАР  
ЎҚУВЧИЛАР ВА  
БОЛАЖОНЛАР!

Кулги — жон озиғи. Унингдек шифобахш дори-дармон ҳали ихтиро қилинмаган. Йил ун иккун ой хонадонингизга узининг шух-шух хандалари, қизиқ-қизиқ латифалари, бир қайновни ичида гаплари, қулоқ эшитмаган ажабтовур хангомалари билан ташриф буюрадиган «Муштум»га ҳам 1998 йил учун обуна бошланди. Журналда сиз — болажонларга аталган кулгили расмлар ва «Миттивой» саҳифаси мунтазам бериб борилади. Ана шу беғубор кулгидан бебаҳра қолмай десангиз, отоналарингизни, опа-акаларингизни тезроқ журналимизга обуна бўлишларига шошилтиринг. Уларга айтингки, обуна баҳоси: Якка тартибдаги шахслар учун — 492 сум. Нашр индекси — 842.

Ташкилотлар учун — 612 сум. Нашр индекси — 843



Ўқитувчи: — Ҳа Салоҳиддинов, аъло баҳога "ҳаракат" қилса бўларкан-ку!

## КОНТРАБАНДА

Болалар, едингизда бўлса Россия киночилари томонидан ишланган «Жавоҳир кул» деган кулгили бир фильм бор. Агар қурган булсангиз, унда машҳур артист Юрий Никулин ижро этган фильм қаҳрамони Семён Семенович чет эл сафарига чиқадию, галати бир тасодиф туфайли йиқилиб кули синади ва контрабандачилар билан учрашиб қолади. Улар эса унинг кулини гипслаб қуйишаркан, дока орасига дур-жавоҳирлар жойлаб яшириб қуйишадилар...

Эсладингизми? Худди ана уша одамларнинг қилган ишлари «контрабанда» деб аталади.

Контрабанда италян тилидаги «контрабандо» сўзидан олинган бўлиб, бирон мамлакатдан олиб кетиш таъқиқ-

ланган қимматбаҳо буюмлар, бойликлар ва товарларни қонунга хилоф равишда давлат чегарасидан утказиш, таъқиқланган молларни олиб утинг учун қонуний ҳаракатлар қилиш деган маънони англатади ва бу иш билан шугулланадиган одамлар жиноятларига яраша жазоланадилар...

## «КОНТРАКТ»

— Мен контракт буйича ишляпман, — деди Саиданинг акаси телефонда ким биландир гаплараркан. — Ҳа, бизда қушлаб хорижий мамлакатлар контракт тузилган. Марҳамат, келинг, танишинг, маъқул булса бирга ишляйверамиз!...

Саида тушунолмади. «Контракт», Қизик сўз экан? Маъноси нимакин?» ўйлаб қолди у ва мактабга келгач, танаффусда у-

Иқтисодий  
алифбоси

тозидан суради. Устоз эса дарс пайтида Саидага ҳам, унинг синфдошларига ҳам «контракт» нима эканлигини айтиб берди. Унинг айтишича, «контракт» — лотинча «контрактус» деган сўздан олинган бўлиб, «битим, келишув» маъноларини англатар ва битимларнинг, бир томон иккинчи томонни курсатилган маҳсулотлар билан

таъминлаши ҳақидаги ҳужжатлар, шахслар ва идоралар уртасида узаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар урнатиш ҳам контракт деб аталаркан.

Мана шундай қилиб, Саиданинг акаси телефонда айтган битта нотаниш сўзи туфайли, 5-«А» синф ўқувчилари куп парсаларни билиб оладилар. Қолаверса, сизлар ҳам...

## «КРЕДИТ»

Захро аяси билан телевизор томонга қилиб утирган эди. Бир маҳал суҳандон аёл «Мажлисада қатор ишлаб чиқариш корхоналари уз кредитларини туламаганликлари таъкидлаб утирди» деди.

Захро дарров аясидан кредит

нима эканлигини суради. Аяси ҳам дарров тушунтирди-қуйди: «Кредит» лотинча «кредитум» сўзидан олинган бўлиб, «қарз» деган маънони англатаркан. Яъни бирон бир корхона ё ташкилот пул, товар ва курсатиладиган хизматларни келишилган устама тулаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга олган қарзлари ҳам кредит деб аталаркан. Кредитлар икки хил — Тижорат ва Банк кредитига бўлинаркан. Қарз берувчи Кредитор, қарз олувчи эса Қарздор дейиларкан. Бундан ташқари унинг давлат кредити, истеъмол кредити, молия кредити, товар кредити, халқаро кредит деган турлари ҳам куп буларкан. Захро булар ҳақида ҳам сурамоқчи эди, аяси, «йўқ, буларни кейин, катта булганинда билиб оласан, ҳозирча шу етарли», деди.

Хуш, болалар, сиз нима деб уйлайсиз? Захронинг аясини гапида жон бор-а? !...

Эркин УСМОНОВ

## «А» дан «Я» гача



Бухоролик укам Зарифжоннинг фарзандлари — Ситорахон ва Ҳайтжонларга бағишлаб ёзилган

ЭРТАК

... бир йуқ экан, дунёда ширин бир Қизча, ажойиб бир Бола булган экан.

Улар ота-оналари билан бахтли кун кечиришар экан.

Қизча жуда гайратли, чеварликми, пазандаликми — дуч келган ишни урганиб, бажариб кетаверишга одатланган экан.

Бола ҳам жуда гайратли, курувчиликми, дурадгорликми, ҳатто ямоқчилигу, саргарошликми — дунёда бор ҳунарни эгаллаб фойдали бир иш қилишга уринар экан.

Шундай яшаб юриб...

Опа-ука (Қизча билан Бола) бир куни уйқудан уйғониб қарашса, тушларими, унғларидами — уйдан узоқдаги қандайдир дашғи-саҳрога бориб қолишган экан! На эшик-дераза, на курпатушак. Ҳаммаёқ кум. Ҳаммаёқ хувиллаб ётибди! Атрофда дупшайган тепаликлару, саксовул, ёвшан, янтоқдан бошқа нарса йуқ. Айниқса, уларнинг отажон ва онажонлари нега ёнларида эмас — тушуниб булмаёт-

ган экан! Бунақа пайтда баъзан кап-катта одамлар ҳам улкаларини туголмай йиғлаб юборишади. Узингни йуқотиб қуйиш мумкин!

Бироқ Қизча билан Бола пинакларини бузишмабди. Улар гайратли эканликларидан, бунга бекор вақт сарфлаб утиргилари келмабди! Қулма-кул ушлашиб, қани, буёғини ҳам кураверайлик-чи, деганча бошлари оққан томонга қараб кетаверишибди.

Йул юришса ҳам мул юришибди, ахийри уларнинг рупарасидан хароб бир қишлоқ чиқибди. Айланиб томоша қилишса, жуда антиқа... Четдан дарё утган, лекин қишлоқда сув йуқ. Баъзи уйларнинг девори бор, томи йуқ. Баъзиларининг томи бор, девори йуқ. Бог билан туқайни, туқай билан богни ажратиш қийин. Қутир-чутир моллар Робинзоннинг эчкиларидай, туп-туп судралади. Кучада одамлар учраса ҳамки, қишлоқ эгасиз, жин чалгандек аҳволда экан!

Куча чангитиб, у ёқ-бу ёққа утган одамлардан:

— Сизлар бошқа жойда яшаб, бу ерга фақат келиб-кетасизларми? — деб ажабла-

ниб сурашибди Қизча билан Бола.

— Қишлоқ—бизники! Қаёққа кетардик! — дейишибди одамлар.

— Нега ҳеч нарсага қарамайсизлар?

— Биз эринчоқ одамлармиз, — дейишибди қишлоқдагилар. — Ҳеч иш қилгимиз келмайди!

— Ишсиз ҳам яшаб булар эканми?! Хуп, ишламасанлар, нима қиласизлар?!

— Юрамиз. Утирамиз. Ухлаймиз. Гап сотамиз. Бекор-

томи йуқ уйларнинг устини ёпишибди.

Ҳатто ёнғин пайтида бирибига, мен учун ҳам ёняман, деб қуй қабилда яшашига урганиб қолган одамлар, аввалига туртта-бештадан булиб Қизча билан Болага анрайиб қараб тураверишибди. Шаҳардан қизиқчи ёки афсунгар келганида булганидек, оғизларини карнай қилиб, уларнинг хатти-ҳаракатини кузатишибди. Йуқ, шундан

Омон МУХТОР

нинг оёғи остига ташланибди.

— Азизлар! Бизга оқсоқол булинглар! Қирқ йил бурун оқсоқолимиз улган эди, шундан буён кузимизга дунё қоронғи. Одамга ухшаб яшолмаяпмиз! — дейишибди.

Қизча билан Бола уларнинг таклифига кунмай иложлари қолмабди.

Орадан куп утмай «Кули олти, оёғи етти деган жой бор! Жудаям обод экан!» — мазмунида бутун дунё буйлаб овоза тарқалибди.

Фарзандларини юртмаюрт кезиб-қидириб юрган Ота билан Она бу овозани эшитиб, қишлоққа кели-



чилик! — дейишибди одамлар.

Қизча билан Бола хафа булиб кетишибди.

Улар одамларга ортиқча лом-мим демай, дарҳол ёнг шимаришибди.

Биринчи навбатда, ариқ қазиб, қишлоққа сув келтиришибди. Кейин, богларни тартибга сола бошлашибди. Молларни қурага ҳайдашибди. Қишлоқдаги девори йуқ уйларнинг деворини тузатиб,

сунг... бир куни қишлоқдагилар— барча тупланиб, Қизча билан Боланинг олдига келганча, шапша узларини улар-

шибди.

Шундай қилиб, улар уз мурод-мақсадларига стишибди.



СОҒЛОМ ЎСГИН, БОЛАЖОН!

«Касаллик тиконга ухшайди, тикон нозик булса ҳам баданга қадалса, нохушлик етказди. Парча булут қуёшни тусганидек, арзимас иллат гавдани ларзага солади», деган экан Саъдий Шерозий.

Дарҳақиқат, соғлом, бакуват устанга нима етсин. Потахтимизнинг Бектемир туманига қарашли Туман Марказий Болалар поликлиникасида ҳам ўсмир ёшларнинг соғу саломат, баркамол вояга етишлари учун тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бу ерда Кундузги шифохона ташкил этилган булиб, соғлигига шикаст етган 16 ёшга-

ча булган болалар даволанишади. Улар бу ерда эрталабдан кечгача шифокорлар назоратида булишиб, режим асосида даволанишади, дам олишади ва бепул парҳез таомлар билан овқатлантирилади. Кечкурун эса оиласи бағрига қайтишади. Барча шароитларнинг етарлилиги, шифокорларнинг уз касбига фидоий, ҳамда ширинсуханлиги касал болаларнинг тезда шифо топиб кетишига кумак бермоқда. Бундан ташқари, ота-оналар ҳам шифохонанинг яқинлигидан, шифокорларнинг беиннат хизматларидан мамнундирлар.

Шифохона бошлиғи Лола

Рузматова биз билан суҳбатда— Шифохона ишларидан беморларнинг кўнгли туқ, аммо бизда ҳам муаммолар бор. Улар ҳам аста-секин ҳал булмоқда. Поликлиникамиз рупарасида шифохона биноси қуриляпти. У битиб қолса, нур устига нур булади,— деди.

Ҳа, бола азиз. Ҳар бир инсон болажонларнинг ҳеч қачон дард чекишини истамайди. Меҳрибон, жонқуяр шифокорларимиз ва болажон ота-оналаримиз бор эканлар, шулар паноҳида доимо дарду машаққат нималигини билмай, шоду хуррам, соғу саломат усавергин, азиз болажон!

Хурматой ШОМУРОДОВА

РАССОМ ХАҲДАСИ



— Нега унга берилган масалани ечмасдан келдинг Аҳмаджон? — Дадам тўсатдан командировкага кетиб қолдилар-да!

Рассом А.ҲАКИМОВ

TONG YULDUZI Muassislar: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир ҳайъати: Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0745. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилиши — 18.30. Рўйхатдан утиш тартиби № 000137. Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. Нашр курсаткичи: № 64563. Телефон: 1-33-44-25